

# Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган \* 2013 йил 13 март. Чоршанба №21 (881) \* www.mahallagzt.uz \* info@mahallagzt.uz

ХАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

## ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 мартдаги фармойишига биноан, 2013 йилнинг март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари, 16-17 март кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари қиллари, деб эълон қилинди.**

Айни кунларда мамлакатимизда яшариш ва янгилаш айёми — Наврўз умумхалқ байрамга қизгин тарафда кўриломоқда. Ота-боболаримиз азал-азадан Наврўз арафасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратишган. Ана шу қадрият мустақил юртимизда, ҳар йилги анъанага мувофиқ, умумхалқ хайрия ҳашарларида ўз ифодасини топаётди.

Бу йил ҳам юртимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашарини уюшқоқлик билан ўтказиш режалаштирилган. Ушбу хайрли тадбирни ташкил этишдан қўзланган мақсад Наврўз байрамга муносиб тайёргарлик кўриш, қўлга келган орада хонадонда, обод маҳаллада кўчи олиш, байрам сайлини сарништа кўча ва сайлгоҳларда нишонлашдан иборатдир. Қолаверса, бундай

байрамлар арафасида кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, касалманд инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, янгидан бунёд этилган иншоотларни фойдаланишга топшириш миллий анъаналар сирасига киради.

Маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари алақачон бошланиб кетган. Дарахт ва гул ниҳолларини экиш ишлари фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, йигинлар ҳузурдаги Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиялар аъзолари, нуруний отахонлар, фахрийлар ва бошқа фаоллар бошчилигида қизгин давом этмоқда.

> [3]

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ

## ЧИРОЙЛИ, КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ



**Водиллик Маъмуржон Олимовнинг «Тинчлик» мавзесида намунавий лойиҳа асосида қурилган янги уйга келин туширгани ҳақидаги хушхабар бутун Фарғона туманига тарқалди. Ахир, бундай тукис-туғал қурилган янги хонадонга ҳали ҳеч ким келин туширмаганди-да.**

Қўшнисидан ибрат олиб Нўмонжон Оризулов ва Аҳмаджон Отажонов ҳам замонавий уйлarga келин туширишди. Эътиборли жиҳати, тўйга келган аёллар келин сепини эмас, янги лойиҳада қурилган уйнинг шарт-шароити ҳақида гурунглашди.

Водилга келган киши кун сайин ри-

вожланиб, чирой очиб бораётган «Тинчлик» ва Беруний номидаги мавзёлардан ҳар доим қизиқари, жонли кечадан пайтада бу ҳудудларда замонавий ва миллий меъморчилик андозалари асосида 60 та намунавий лойиҳадаги уй-жой қад ростлади. Равон кўчалар, пиёдалар йўлак-

чалари, йўл четига экилган манзарали дарахтлар киши кўзини қувнатади.

— Бу ердаги шарт-шароитни кўриб баҳридимиз очилди, — дейди янги хонадон соҳиббаси Мухтасархон Тўйчиева. — Барча шарт-шароити муҳайё, хоналар кенг ва ёруғ. Ичимлик суви, иссиқ сув ва газ билан таъминланган. Болалар учун алоҳида дам олиш, дарс тайёрлаш хоналари бор. Тўриши, эски маҳаллада истиқомат қилаётган қўшниларим кун оша бу ердаги шарт-шароитни кўриб ҳавас қилиб кетишадди. Улар ҳам мана шундай тукис, уй эҳси бўлиш ҳаракатида.

> [3]

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ БУРЧ

## ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ



**Яқинда Қибрай туманидаги «Уймаут» маҳалласида истиқомат қилаётган Иноғомовлар оиласига республикаимиздаги ҳарбий қисмлардан бирининг раҳбарияти томонидан бидирилган ташаккурнома топширилди.**

Унда билимли, мард, интилувчан, Ватан ҳимояси йўлида мардонвор кураша оладиган фарзанд устиришгани боис Қўдрат ака ва Сурайё опага миннатдор-

лик билдирилган.

Дарҳақиқат, илм-маърифатли, одобли ўғил-қизларни кўрганда, тарбия берган ота-онасига раҳмат, деймиз. Таъкид-

лаш жоизки, болада эзгу фазилатлар шаклланишида оиланинг ўрни катта. Маънавияти юксак ота-оналар фарзандларини соғлом турмуш тарзига одатлантириб вояга етказишади. Бундай оилалар бошқаларга доимо ибрат.

Тошкент вилояти Қибрай туманининг Байтўғрон қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган «Уймаут» маҳалласида истиқомат қилувчи Иноғомовлар хонадонини ҳам ана шундай оилалардан. Икки ўғил, бир қизнинг ота-онаси Қўдрат ака ва Сурайё опа фарзандларининг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун астойдил қайғуришмоқда. Уларнинг фарзандлари бирин-кетин улағайиб, эл қорига ярапти, юрт равнақи йўлида меҳнат қилипти.

Шу оилادا тарбия топган Жасурбек айни пайтада конституциявий бурчини ўташ мақсадида Миллий армиямиз сафида хизмат қилмоқда. Командирларидан ҳарбий илм сирасорларини пухта ўрганишга, машқларда доимо ўрнатқ бўлишига интилаётган ўғлон Ватан ва халқ ишопчинни оқлашни кўнглига туккан.

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ҚОНУННИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЛОЙИҲАСИ

**сайлов тизимини янада такомиллаштириш ва демократлаштиришга хизмат қилади**

Мамлакатимизда истиқлол туфайли ривожланиб бораётган маҳалла институтининг ваколатлари тобора кенгаймоқда. Бутунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари демократиянинг ҳақиқий мактаби сифатида жамиятнинг етакчи бўлинига айланган.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтиришдек устувор вазифалар белгилаб берилган.

Шунга асосан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, унинг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ношароит ташкилотлари тақлифлари асосида «Фуқаролар йиғини раиси (юқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови

тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Яқинда Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташаббуси билан Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими бошқаруви ҳамда Қарши давлат университети ҳамкорлигида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси — фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда муҳим омили» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

> [2]

МУНОСАБАТ

## ЮТУҚЛАРИМИЗ ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТНИНГ САМАРАСИ

**«Шаҳрихонсой» шаҳарча фуқаролар йиғини вилоятнинг чекка ҳудудида жойлашган. Бу ерда фаолият юритаётган пахта тозалаш заводида аҳолининг қарийб тўқсон фонзи доимий иш билан банд.**

Кўпчилик асосий ишидан ташқари кўчатчилик билан ҳам шуғуланиб, рўзгорига қўшимча даромад киради. Ҳудудда беқорчи кишини тополмайсиз. Уйда бола тарбияси билан банд аёллар ҳам қўл қовуштириб ўтиришмайдилар. Уларни касаначилик асосида пахта тозалаш заводига ишга жойлаштирилган. Ўз уйида боласидан ҳам, рўзгоридан ҳам узоқлашмай завод илчилари учун иш қийинлари тикиб, оила бошчилигига елкадош бўлиб келишяпти.

Булар, албатта, йиғин мутақаддилари ва Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзоларининг изчил тарбия қилишлари, ама-

лий ишлари меваси, десак янгиликларимиз. Маҳалламизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор билан қаралади.

Маҳаллада «Оналар кенгаши» фаолият юритади. Ушбу тузилма хонадонларда юзага келган тушунмовчилик ва келишмовчиликларни ўз вақтида бартараф этади. «Ота-оналар университети»да оила ҳуқуқи, демографияси, оиланинг тиббий-биологик асослари, маъна-

вийати ва психологияси каби алоҳида йўналишларда тинловчиларга тушунчалар бериб борилади. 19-умумтаълим мактабидан «Ораста қизлар» тўғрагида машғулотлар ҳар доим қизиқари, жонли кечадди. Ўсим қизлар билан яқин муносабатимиз, дидан суҳбатлашиб, ҳамфикр иш олиб боришимиз сабаб улар билим олиш, ҳунар эгаллаш, кийинки маданияти борасида кўпчиликка намуна.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўлаган байрам табригида луте мамлакатлари ва жамиятлари нуфузини, маънавий қўдратини белгилувчи мезонлар қўлаги, бироқ бу мезонлар орасида энг муҳими, ўша юртининг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ҳурмати билан ўлчанишини айтганлариди, беихтиёр тўқиналиб кетдим.

Иккиланмай айта оламаник, дунёнинг ҳеч қайси мамлакатиде бизни даражасида бу қадар юксак эътибор кўрсатилмайдилар. Эришаётган барча ютуқларимиз, хонадонлар фойдаланишга алоҳида эътибор берилган ана шундай улкан имкониятлар самараси асдида.

Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони йиғинларда фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни ниҳоятда мамнун этиши баробарида ўз фаолиятимизга янада масъулият ва фидойилик билан ёндашишга ундайдилар.

Бугун қишлоқ жойларда ҳам хотин-қизларга шаҳардагидан асло қолдирилган шарт-шароитлар яратиб берилаётди. Замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, таълим-тарбия, спорт масканлари, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари билан бир қаторда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш кўзда тутилаётгани мамлакатимизда амалда оширилаётган изчил ислохотларнинг узвий давомидир.

Хотин-қизларнинг уй-рузгор юмушларини енгилаштиш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маийий техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажминини 1,3 баробарга ошириш мўлжаллангангани ҳам юксак даражадаги эътиборнинг амалдаги ифодаси.

Давлатимиз раҳбарининг: «Албатта, биз она-сингиларимизнинг меҳнат ва турмуш шарт-шароитини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқ-

са, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошланган ишларимизни изчи давомида эътиришимиз кераклигини яхши тасаввур этамиз», деган сўзларидан биз хотин-қизларга қанчалар катта эътибор берилганлигини қўлга олади.

Бу эса, бизни ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишга, имконият ва шартлардан унумли фойдаланиб, кенг қамровли фаолият олиб боришга ундайдилар.

**Тожибархон ЙЎЛДОШЕВА,**  
Хужабод туманидаги «Шаҳрихонсой» шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси,  
«Дўстлик» ордени соҳиббаси.

> [2]



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш амалдаги ислохотларнинг устувор мезонидир. Иш ўринлари яратишда ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий аҳамияти, табиий шарт-шароитларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шунга кўра, ўтган йили ташкил этилган иш ўринларининг 72 фоизи қишлоқ ҳудудларига тўғри келади. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими аҳолининг оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун қўлай шарт-шароит яратиш, айниқса, хотин-қизларни касаначилик асосида кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш бўйича амалий тажрибага эга. Ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги 411 та ишлаб чиқариш корхонасида касаначилик асосида 5767 та иш ўрни яратилди. Бу иш жойларига, асосан, маҳаллалар хотин-қизлари жалб этилган қувончли.

Бувайда тумани Оққўрғон қишлоғидаги собиқ ширкат хўжалиги маъмурий биноси шу ерлик Зебохон Тожиматовга берилгани ва аниқ мақсад, истиқболли режалар билан ишга киришилгани тез орада маҳалла аҳолининг эътиборини тортди. Дастлаб 8 нафар чевор билан иш бошланган корхонада тайёрланган болалар ўст-болалари пишиқ ва пухталлиги, бежирим кўриниши билан тилга тушди. Ишчиларнинг меҳнатига яраша оилавий даромадлари кўпайди. Бу эса, Оққўрғондаги бошқа хотин-қизларнинг ҳам ишга киришилларини оширди.

Айни кунда корхонада 50 нафардан зиёд маҳалла аёли иш билан банд. Чеворлар томонидан тикилаётган маҳсулот турлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам хариддордир. Истеъмол буюмлари чет давлатларга экспорт қилинмоқда.

Аҳолини меҳнатга жалб этиш, бандлигини таъминлашда вилоятда ташкил этилаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши ҳам ортиб бормоқда. Бунда Фонд тузилмалари аниқ манзилли ёрдам, маслаҳат ва йўл-йўриқлари билан ишбилармонларнинг яқин ҳамкорига айланган.

Акрамжон ЙЎЛБАРСОВ,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШИ МЕЗОН

## ОШКОРАЛИК ВА АДОЛАТГА АСОСЛАНГАН

Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 44-сонли қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича пойтахтимизнинг барча туманларида семинарлар ташкил этилди.

Мазкур тадбирларга Фонд мутахассислари билан бирга, туманлардаги фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблар, йиғинлар ҳузурдаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси аъзолари таклиф этилдилар.

Ушбу қарор асосида эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам ва нафақалар тайинлашда ижтимоий адолат, ошкоралик ва қонунийлик таъминлиги қатъий амал қилиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, фуқароларнинг моддий ёрдам ва нафақа сўраб ёзган мурожаатларига расмий равишда жавоб бериш, ушбу қарор мазмун-моҳияти юзасидан аҳоли ўртасида соҳа мутахассисларини жалб этиш ҳолда тушунтириш-тарбия ишларини изчил олиб бориш зарурлиги ўқтирилди.

Дарҳақиқат, фуқаролар йиғинлари томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун вақил қилинган комиссия таркиби фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) томонидан ҳудудда истиқомат қилувчи, обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган фуқаролар орасидан сайланади. Ушбу комиссияга фуқаролар йиғини раиси бошчилик қилади. Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса, бутун ваколати даврига сайланади. Мазкур комиссия аъзоларининг таркиби 15 кишидан иборат бўлади. Комиссия аъзоси ваколатларининг амал қилиши даврида аъзоликдан чиққан тақдирда, фуқаролар йиғини комиссия аъзоларини қайтадан сайлайди.

> [2]





ХУШХАБАР

СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА — ПРЕЗИДЕНТ СОВГАЛАРИ



Т.ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Бухоро вилоятида қизлар ўртасида спорт тобора уммалашиб бораётди. Бунда давлатимиз раҳбарининг ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашга қаратилган устувор сиёсати доирасида жойларда, айниқса, қишлоқларда спорт иншоотлари барпо этилаётгани, ёшларнинг қизиқиши ва қобилияти қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлаётди.

Шу кунларда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-қизларига Президент совгалари — спорт кийим-кечкалари топшириляётгани ана шундай ғамхўрликнинг яна бир узига хос кўринишидир.

Ромитан туманидаги бадий гимнастика марказида бўлиб ўтган шундай тантанали маросимда спортчи-қизлар, уларнинг ота-оналари, жамоачилик вакиллари жам бўлишди. Тадбирда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга ошириляётган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида сўз борди.

Шундан сўнг туман ҳокими Муҳаммадқосим Олимов, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали раҳбари Уткир Нажмидинов, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши раиси Жамол Носиров қизларга Президент совгаларини топширишди.

— Мен бир неча йилдан буён 13-болалар ва усмирлар спорт мактабиде стол тенниси билан шугулланиман, — дейди маросим иштирокчиларидан бири, Челонгу қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, 9-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Шаҳноза Баҳодирова. — Заминида мунтазам шугулланамиз ва маҳоратимизни оширишимиз учун барча шароитлар яратилган.

Бу яхши натижаларга эришишимизга ёрдам беряпти. Масалан, ўтган йили Фарғона ва Наманган шаҳарларида ташкил этилган республика мусобақаларида кумуш ва бронза медалларига сазовор бўудим. Президент совғаси бошқа спортчи қизлар каби мени ҳам янада ахиқроқ натижаларга эришишга ундайди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бош мутахассис-вакили Баҳодир Темировнинг айтишича, кейинги йилларда жамғарма маблағлари ҳисобидан Миришкор, Хоса қишлоқ спорт мажмуалари барпо этилгани, бадий гимнастика маркази капитал реконструкция қилингани, 5 та умумтаълим мактабиде спорт заллари қурилиб жиҳозлангани ва хотин-қиз мураббийлар сафи кенгайгани тўғрисида спортчи қизларга қизиқувчи сўзлар тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизларнинг 3 миң 512 нафари ёки 29 фоизи спорт билан мунтазам шугулланмоқда. Ана шу ёшларнинг 884 нафарига, жумладан, спорт билан илк бор шугулланаётган 181 нафарига Президент совгалари топширишди.

Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ БУРЧ

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

< [1]

Маълумки, бугун қақирув ёшига етган фуқароларни мундатли ҳарбий хизматга саралаш жараёнида маҳалла фаолларининг ҳам муносиб хизмати бор. Уларнинг сайёҳаракатлари билан қақирув ёшига етган йигитлар ва уларнинг ота-оналарига Миллий армиямиздаги янгилашни ва узаришлар, ҳарбий қисмларда аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилади. Ўз навбатида, маҳалла раислари ва фаоллари томонидан қақирув ёшига етганларнинг ўзини тутиши, одоб-ахлоқи, жамоат ишларидаги фаолияти ўрганилади ва туман мудофаа ишлари бўлимига тавсия этилади. Бундан кўришиб турибдики, маҳалла фаоллари ҳар бир хонадон ҳақида етарли маълумотларга эга.

— Ҳуудуамиз ёшлари ўз фарзандимдек куз олдимида катта бўлишган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Файзулла Бекжонов. — Шу боис уларни яхши биламан. Маҳалламида армияга бориб келган йигитлар кўпчилиги. Уларнинг юриш-туриши, ўзини тутиши бошқача. Ҳаёт мактабини ўтаб қайтган фарзандларимизнинг



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

аксарияти жамиятда ўз ўрнини топан. Зеро, армия йигит кишини ҳар томонлама тоблаб, ҳаётнинг пасту баландини ўргатади. Энг муҳими, армияда ёшларимиз мустақил фикрлайдиган, шажоатли, ватанпарвар бўлиб тарбияланади. Бинобарин, мустақил мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигига, халқимизнинг фаровон яшашига барчамиз бирдек масъулимиз. Шу боис қақирув

ёшига етган ўғлонларимиз орасидан энг муносибларини туман мудофаа ишлари бўлимига тавсия қиламиз. Жасурбек ҳам ота-онанинг тарбиясига қулоқ тутиб, маҳалла-қўй юмушлари, жамоат ишларида фаол қатнашиб келарди. Қолаверса, байрамларда ташкил этиладиган спорт мусобақаларида гоиликни қўлдан бермасди. Вояга етгач, биринчилардан бўлиб ўз бурчини адо

этишга йўл олади.

Сурайё онанинг таъкидлашича, Жасурбекнинг болаликдан спортга қизиқиши кучли. Етти-саккизи ёшлигидан спортнинг қаратқдо турига қатнай бошлагани унинг фанларни яхши ўзлаштиришига ҳам туртки берган. «Фарзандим хизмати аъло даражада ўтаётгани учун унинг қомандирлари миннатдорлик изҳор қилиб, мактублар юборишяпти. — дейди кўзлари шодликда порлаган она. — Бундан кўнгилмиз тоғдек кўтарилган...»

Ҳа, она алласи-ю эрталари, эгзу тилаклари боланинг маънавий дунёсини бойлатади, садоқатли бўлиб вояга етишида мустақкам пойдевор бўлади. Отанинг панд-насихатлари эса, фарзандни доимо мардлиқ ва жасорат сари ундайди, кези келганда қилинган қаттиққўлим фарзандни ёмон илалтлардан қайтаради. Шу сабаб, соғлом турмуш тарзи қарор топган онада улайган ҳар бир ўғлон борки, ўз конституциявий бурчини виждонан адо этишни шараф деб билади. Иқтидорли ва ташаббускор, мустақил фикрга эга бундай ёшлар истиқболимизнинг порлоқ юлдузларидир.

Хайрулло БОТЎРАЕВ.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

МЕҲР ҚАЛБГА ЙЎЛ ОЧАДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Майор Мадина Гобозова узок йиллардан бери Учтена тумани ИИБ Ҳуқуқбузарликларни олдани олиш бўлими вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактика гуруҳи катта инспектори лавозимида хизмат қилиб келади.

Эл-юрт осойишталиги йўлида ўз хузуур-ҳаловатидан кечиб ҳуқуқ посбонларига хос. Айниқса, оила, рўзгор юқини, оналик масъулиятини екасида кўтарган аёл учун қатъий тартиб-қоидалар асосидаги бундай қасбда узок йил самарали ишлашини ўзи бўлмайдди. Бироқ майор М.Гобозова оила-

даги бурчини ҳам, хизмат вазифасини ҳам бирдек сидқидилдан адо этиб келмоқда. Мамлакатимизда ёш авлод ҳуқуқлари Бош Қомиссиядан тортиб, бошқа қўллаб қонун ҳужжатлари асосида муносиб ҳимоя қилинади. Аммо ахборот хуружи зурайган, турли тажовузкор гоилар таҳдиди хавф со-

лаётган бир пайтда ўғил-қизларни соғлом фикрлашга ўргатиш, маънавий кўмак бериб, руҳан чиниктириш орқали, оқни қорандан, яхшини ёмондан ажрата билишга ундаш ҳам ҳуқуқ посбондан пухта тайёргарлик ва хушёрликни талаб этади.

— Катта ҳаёт оstonасидаги ўспиринга ота-она, маҳалла-қўй, жамоатчилик кўмаги, назорати зарур, — дейди М.Гобозова. — Уларнинг шахсияти шаклланиётган, иззат-қурури қамол топаётган мураккаб паллада энг яхши ёрдам бу — дўстона муносабат. Туманимиздаги 53 та маҳалла ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан доимий ҳам-коралик асосида шунинг аниқ айта олашмики, фарзанд тарбиясида маҳалланинг таъсир кучи, имконияти ниҳоятда катта. Боланинг оиладан, маҳалла-қўйдан урганганимари асосида феъл-атвори, ҳуқуқ шаклланади. Ноқобил муҳитда угаётган ёшлар, афсуски, учрайди. Уларда соғлом турмуш тарзига амал қилиш, ноқўй таъсирлардан халос бўлиш истагини, асосан, маҳалла мутасаддиларининг сайёҳаракати ва кўмаги билан юзга чиқарилган.

Имкониятлардан унумли фойдаланишни кўнгилга туккан

Мадина опа маҳаллалар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган тарбиёт тадбирларини мунтазам ташкиллаштириб келаётди. Фарзандларнинг ёрқин истиқболини қўллаб амалга ошириляётган сайёҳаракатлар ўз самарасини бераётди.

Майор Гобозова баъзан тарбияси оғир усмирнинг ўрж юрагига йўл топишда айнан оналарга хос фазилятлар ниҳоятда асқотишини, эгри йўл бошида турган боланинг қалб амрини идрок этиш учун уни оналарча сева билиш лозимлиги таъкидлайди. «Шундагина у сизга юрагини очади, ишонди, масаҳатларингизга ама қилади», дейди у.

Ҳа, аёл қайси соҳада ишлагани — қаттиққўл раҳбар, тадбиркор ё моҳир жароҳчи, ўз ишига оналик меҳри, туйғулари билан ёндашади. Зеро, унга ато этилган ана шу неъмат тўғрисида олама эзгулик барқарор, меҳр қаҳрдан устун, поклик ва ҳиломлик устувор мезонга айланган.

Ю.ҲОЖИЕВА «Mahalla»

ТААССУФ

НИЯТИ СОВУҚНИНГ ҚИЛИФИ ҲАМ СОВУҚ

Шундай ҳолатда барчамиз бир сесканиб тушамиз: гумбирлаган овоз. Агар бу ўқ овози бўлса-чи? Даҳшатга тушамиз. Бугун дунёнинг баъзи пучмоқларида шундай бўлмоқда.

Шукрки, Президентимиз томонидан узокни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида юртимизда тинчлик, осойишталик, фаровонлик ҳукмрон. Барча соҳаларда эришилаётган ютуқларнинг, ҳаёт фаровонлигининг асосий омил ҳам ана шу тинчликда.

Ен атрофимиздаги турли хил кўнгилсизликлар, жаҳондаги қўллаб-даватларда содир бўлаётган муҳдиш воқеа-ҳодисалар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Аввало, ҳаётимиздаги осойишталикка, дориламон кунларга шукрона айтиб, бунинг қадрига етишимиз, асраб-авайлашимиз лозим. Зеро, тинчлик — энг олий неъмат. Тинчлик — ҳаётнинг бош мақсади.

Халқимизда ёмон нарсалар, ёмон воқеаларга нисбатан бир сўзни ишлатишамиз: «Совуқ». Дейлик қилмиши мудом ёмонлик бўлган илон, чаён каби газалдаларнинг ҳатто номини аташмайди, «турки совуқ», «оти йўқ» дейишади. Оқибати муҳдишлик бўлган

қуролларни «совуқ қурол» дейишади. Уни ёнида олиб юришга ирим қилишади. Қолаверса, юртимизда ҳукмрон бўлган тинчлик-осойишталик боис фуқароларимиз учун қуролга ҳожат ҳам йўқ. Аммо... Бунинг қарангки, ана шу осуда ҳаётнинг қадрини билмайдиган, тинчликка даҳл қилиш кўзи билан қарайдиган кишилар ҳам орамизда йўқ эмас экан.

Анджон шаҳрилик Анваржон Муҳаммаджонов ана шундайлар сирасидан чиқиб қолади. Ҳа, унинг қилмишидан шундай хулоса яшаш мумкин. У ўзининг кейинчалик, яъни суровлар давомида тушунтириш беришича, 2005 йили сой бўйдан ҳали ишлатилмаган патрон — ўқдори топиб олганди. Энг қизиги ва ажаблანарлиси ушбу матоҳни йўқ қилмасдан ёки тегишли жойга топширмасдан олти йил уйда сақлабди. Хуш, нега?

2011 йилнинг 9 январь куни у божира кетмоқчи бўлди. Қарасаки, холалари ўқ билан ўйнаб ўтиришибди.

Шунда ушбу патрони олиб, йўлсум-лиги гувоҳлар сузи ва махсус экспертиза хулосалари асосида ўз тасдиғини топди. Суданувчининг ўз айбиги тўлиқ икромлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, тергов давомида тўғри курсатмалар бергани ва бошқа жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда жиноятчига жазо ҳораси белгиляди. У 5 йилу 3 ой озорлиқдан маҳрум этилди.

Таассуфли томони бу каби ҳолат ягона эмас. 2010 йилдан бугунга қадар «Тошкент» аэропортида учраган бундай ҳолатлар кишини ҳайрон қолдиради. «Тошкент» халқаро аэропорти учиб кетиш залида жойлашган эркаклар ҳожатхонасидаги унитаз ичидан ўқотар патрон топилади. Шунингдек, ушбу аэропортдан «Тошкент — Санкт-Петербург» йўналиши бўйича учиб кетяётган Россия Федерацияси фуқароси, вақтинча Тошкент шаҳрида руйхатда турган Сергей Оролов божхона назоратида ўтказилганда, унинг сумкаси ичида ҳам ўқ борлиги аниқланган.

«Москва — Тошкент» йўналишида учиб келган россиялик И.Л.Никифорованинг сумкасида ҳам бир дон патрон борлиги аниқланган. «Тошкент — Екатеринбург» йўналишида учаётган В.В.Семенов ҳамдони ичидан ҳам бир дон патрон борлиги аниқланган.

«Москва — Тошкент» йўналишида учиб келган россиялик И.Л.Никифорованинг сумкасида ҳам бир дон патрон борлиги аниқланган. «Тошкент — Екатеринбург» йўналишида учаётган В.В.Семенов ҳамдони ичидан ҳам бир дон патрон борлиги аниқланган.

«Москва — Тошкент» йўналишида учиб келган россиялик И.Л.Никифорованинг сумкасида ҳам бир дон патрон борлиги аниқланган. «Тошкент — Екатеринбург» йўналишида учаётган В.В.Семенов ҳамдони ичидан ҳам бир дон патрон борлиги аниқланган.

«Москва — Тошкент» йўналишида учиб келган россиялик И.Л.Никифорованинг сумкасида ҳам бир дон патрон борлиги аниқланган. «Тошкент — Екатеринбург» йўналишида учаётган В.В.Семенов ҳамдони ичидан ҳам бир дон патрон борлиги аниқланган.

автомат ўқи топишдан ва ҳоказолар. Ўз-ўзидан сағом туйлади. Ушбу ўқлар нима учун керак? Совға қилиб бўлмаса, рўзгорда, турмушда ишлатилмас... Ўқдорининг биттагина вазифаси бор. Улим келтиради. Шундай экан, уни ёнида сақлашдан мақсад не? Анг-лашлайдики, кўнгилда бировга қасд қилиш, тинчликка раҳна солиш нияти бор. Кўпни кўрган қарияларимиз нияти совуқнинг — қилми совуқ деб бежизга айтишмайди. Ҳа, бундай кимсаларнинг ҳаракатини фақатгина ана шундай баҳолаш мумкин.

Халқимизнинг қўллаб ибратли нақлу иборалари бор. Бировга ўлим таалағунча, ўзинга умр тила, дейилади бир мақолимизда. Инсон инсонини уйдириб, ҳеч қачон бахт топмаган. Шу истак кўнгилда пайдо бўдимни, унга шайтон ҳамроҳ бўлиши, уни амалга ошириш мақсади кунайиб борарарши бор гап. Зотан, сумкангизда ўқ сақлағунча, қалбингизда яхши тилаклар сақланган. Шояд, ниятингиз ўзингизга йўдаш бўлса.

Гулноза ТУРГУНБОВЕВА.



Кобулда кучли портлаш

Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида кучли портлаш содир бўлди.



Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар берган. Афғонистон Мудофаа вазирлигининг маълум қилинишича, портловчи ускуна ва зариллик биниси ёнида ҳаракат-

га келтирилган. Шунингдек, шаҳар марказида отишмалар бўлгани айтилмоқда. Қурбонлар ва жароҳатланганлар ҳақида маълумот йўқ.

Воқеа АҚШ Мудофаа вазир Чак Хейгелнинг Афғонистонга таширифи вақтида содир этилди. Лекин АҚШ вазирлиги портлаш руй берганда у ерда бўлмагани айтилмоқда. «Голдбон» ҳаракати ушбу кўпуровчиликни амалга оширганини тан олган.

Йирик заводда ёнгин

Латвиянинг Олайн шаҳридаги энг йирик кимё заводи ёниб кетди.



Ёнгин ярим кечаси бошланиб, уч қаватли бинони қамраб олган. Оқибатда беш киши жароҳатланди, жумладан, ўч тутирувчилар ҳам. Улар

ёнаётган маҳсулотлардан захарланган.

Эрталабга яқин ўч учирилди, аммо олов яна аланга олиб кетиш хавфи бор. Ёнгин сабаблари ҳануз номаълум.

Завод Болтиқбуйи мамлакатлардаги энг йирик кимёвий корхоналардан бўлиб, унда лак, бўёқ, органик синтез маҳсулотлар, шунингдек, авто ва машина кимё учун металл маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

30 мингта блог ёпилди

Хитой ҳукумати блог ва микроблоглардан фойдаланувчиларнинг 30 мингтасини, шунингдек, 225 та интернет сайтни расман ёлди.



Бунга порнография ва беҳаё характердаги тақлифларга эга ресурсларнинг кенг тарқалгани сабаб бўлди. Маълумотларга қўра, назорат органларига Хитой ва унинг

ташқирисида жойлашган 450 та сайт устидан 70 мингта шикоят аризаси тушган.

Хитойда интернет 1994 йилда пайдо бўлган, 1998 йилдан бери эса ҳукумат хитойликларнинг интернетга киришини назорат қилиш бўйича «Олтин қалқон» лойиҳасини амалга оширади. Ушбу лойиҳанинг «Буюк Хитой фэйрвол» деб номланган ишларида бири миллий коммуникация тармоқлари орқали сайтларни филтрдан ўтказилади.

Интернет маълумотлари асосида Нилуфар ЮНУСОВА тайёрлади.

Хўрматли тадбиркорлар!

Сизнинг иш фаолиятингизга Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияларининг руҳсатсиз, тегишли ҳужжатларсиз ноқонуний аралашуварига йўл қўйиш, ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳамда бошқа қонунга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўйидаги ишонч телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

Table with 2 columns: Region and Phone Number. Includes entries for Qoraqalpoviston, Andijon, Bukhoro, Jizzax, Kashgari, Navoiy, Namangan, Samarqand, Surkhondaryo, Sirdaryo, Toshkent, Farg'ona, and Xorazm viloyati.

Изоҳ: Бугунги кунда Тошкент шаҳрида содир бўлган ёнгинлар тўғрисида хабар бериш учун «01» рақами ўрнига «101» рақамига кўнгилроқ қилиш керак.

Республиканинг бошқа минтақаларида ёнгинлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш учун аҳоли пунктларининг телефон тармоқларида ягона рақам — «01» ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси.

«Mahalla» газетаси жамоаси тахририятнинг Жиззах вилояти бўйича муҳбири Абдувал ҚАРИШЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.